


АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 17 НОЯБРЬ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 46 (592) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибиде «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий

қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритмоқда.

Қуйида ушбу қонун лойиҳаларининг матнлари ҳамда уларнинг шарҳлари келтирилмоқда.

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Ушбу Қонун Қонунчилик палатасининг Конституциясига тегишли тузатишлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

2-модда. Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари

Сиёсий партия фракцияси — сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузилган ва белгиланган тартибда руҳиятдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўрини эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчилиكنи ташкил этади.

Парламентдаги кўпчилиكنи ўзларининг мақсадида дастурий вазифаларининг аниқлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

Янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тугган йўли (курс) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка биришгани қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг муваққиллигини чеклаб қўймайди.

Ушбу парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир:

Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил тахририни киритиш; муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатаси ағли мажлисининг баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштироки.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

3-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тартиби

Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яшарин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қонун тарқатқанда, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини тақдим этади.

Сиёсий партия фракциясидан тақ-

дим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини таъинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўли билан таъинланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини таъинлаш ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентини сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимига номзоди яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимига таъинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидан бирини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимдан озод қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимдан озод қилинади:

а) Бош вазирнинг истеъфоси бериш тўғрисидаги аризага биноан;

б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариш мумкин бўлмаган ҳолда тақдирда;

в) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси таркибиде унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган иштилоқлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

г) Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай та-

шаббусни парламентнинг етакчи сиёсий партиялар фракциялари қўллаб-қувватласа ва Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишсинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президентини Бош вазирини лавозимдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимдан озод қилиниши бир вақтнинг ўзиде Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг истеъфосига чиқишига сабаб бўлади.

6-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими ва Тошкент шаҳар ҳокими таъинлаш тартиби

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидеги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилган сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига таъинлаш учун тақдим этилади.

Вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган тақдирда, таъинланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентини вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчинини таъинлаш ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

7-модда. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари

Нazorat қилиш вазифаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига таъинланган шахсларнинг қонунчилик фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини асосли ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президентини бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокама қилишда ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

8-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг қучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Бунёдкорлик

Бугун Самарқандда-
ги ўнлаб қурилиш таш-
килотлари шаҳарни
ободонлаштириш,
кўркам, бетақдор меъ-
морий ечимга эга би-
нолар барпо этишда
фаол иштирок этиш-
моқда. “Жайхун” қури-
лиш компанияси бу-
юртмаларни вақтида,
сифатли уддалашда
ташаббускор бўлмоқда.
Шаҳардаги кўплаб
спорт иншоотлари,
янги кардиология мар-
кази, коллеж ва акаде-
мик лицейлар ана шу
жамоа меҳнатининг
маҳсулидир.



Суратларда: «Жайхун» қурилиш компаниясининг қўли гул бинкорлари ва улар барпо этаётган кўркам иморатлар акс эттирилган.

Нўқтаи назар

Сиёсий партиялар: фаоллик ва масъулият ортади



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибиде киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси ва «Ўзбекистон Конституциясининг айрим моддаларига (89-, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова бошқарган йиғилишда фракция аъзолари, партия фаоллари, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда муҳокамадаги қонун лойиҳаларининг ҳаёти-
мизда тутган ўрни, аҳамияти ва истиқболлари ҳақида
сўз юритилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон бугунги
кунда барқарор бозор иқтисодиётига асосланган, қучли
демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини
барпо этиш йўлидан босқичма-босқич бормоқда. Исло-
хотлар кўп қиррали ва узок давом этаётган жараён
бўлиб, унда мукаммал қонунчиликни яратиш, қонунлар-

нинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, аҳоли ва ман-
сабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш,
давлат ва фуқаролар, ҳокимият ва бошқарув органлари-
нинг ҳуқуқ-мажбуриятларини аниқ белгилаш мумкин йўна-
лишлар саналади. Шу асосда олиб борилаётган ислохот-
лар натижасида ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллат-
лараро тотувлиқ таъминланди, ҳаётнинг барча жабҳала-
рида демократик қадриятлар қарор толмақда. Хусусан,
ҳокимият тақсимланишининг демократик тамойиллари
изчил давом этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Дилором Тошмуҳамедованинг
фикрича, бугунги кунда миллий давлатчиликка асослан-
ган, мушаккил мафқураси билан йўрилган демократ-
тик жамият қуриш, шунингдек, фуқароларнинг қонун
билан ҳўмоа қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини амалда
таъминлашнинг янги даври бошланди. Фуқаролик жамия-
тини шакллантириш доимий жараён бўлгани боис, халқ-
қиямизнинг урф-одат, анъана ва менталитетига мос тад-
риқий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш бирламчи
аҳамият касб этмоқда.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда Президентимиз
раҳбарлигида жамиятни демократлаштириш ҳамда янги-
лаш, мамлакатни модернизация ва илҳот этишининг усту-
вор йўналиши ва вазифалари белгиланди.

(Давоми 3-бетда)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Мавий ахборот воситалари вакилла-
рининг ўзаро ҳамкорлиги катта
аҳамият касб этмоқда.

Самарали сиёсат жамғармаси
президенти Г.Павловский раҳбар-
лигидаги делегация аъзолари қуни
кеча Самарқандда бўлиб ўтган «Де-
мократик институтлар ва жараён-
ларни ривожлантириш аҳволи ва
истиқболлари: Ўзбекистон ва Рос-
сия таърибаси» мавзусидаги халқа-
ро давра суҳбатиде иштирок этди.
Анжуманда икки мамлакатда фао-
лият юритаётган фуқаролик жамия-
ти институтларининг бугунги фао-
лияти ва истиқболларига оид маса-
лалар муҳокама қилинди.

— Ўзбекистонда бундай учрашу-
вларга алоҳида эътибор билан қара-
лади, — деди Ислам Каримов. —

Самарқандда ўтган давра суҳбати-
нинг мавзуси долзарб ва аҳамиятли-
дир. Бу каби мулоқотлар ўзаро фикр
ва таъриба алмашиш, жамият ҳаёти-
да рўй бераётган ўзгаришларни таъ-
лил қилиш ва зарур ҳулосалар чиқа-
риш учун яхши имконият яратлади.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашу-
вда Ўзбекистон билан Россия ўрта-
сидаги кенг қамровли ҳамкорлик
алоқаларининг келажаги, хусусан,
демократлаштириш, сиёсий исло-
хотлар жараёни билан шугулланув-
чи мутахассислар ўртасидаги ҳам-
корликни янада ривожлантиришга
доир масалалар юзасидан фикр ал-
машилди. Г.Павловский самимий
қабул учун Президентимизга мин-
натдорлик билдирди.

(ЎЗА)

Меъмору уста — ҳар ишда камарбаста



Яқинда барпо этилган тендер
қиймати 1 миллиард 277 миллион
сўмлик 1-педагогика коллежи би-
носи шаҳар кўрмага кўрк қўшди.

— Қурилиш лойиҳасининг му-
раккаблиги биз учун ҳеч қандай
ташвиш туғдирмади, — дейди ком-
пания раҳбари Рустам Яхёев. — Чўн-
ки жамоамиз барча зарур техник ва
хомашё базасига эга. Боз устига,
ҳар қандай буюртмани аъло дара-
жада уддалайдиган маҳоратли
қурувчи-мутахассисларга эгамиз.

Дарвоқе, «Жайхун» компанияси-
нинг гишт, асфальт-бетон қорши-
малари ишлаб чиқарадиган завод-
лари, дурадгорлик цехлари тўла қув-
ват билан ишлатилаяпти. Бу эса, ўз

навбатида, қурилиш таннархини па-
сайтиришга, рентабелликни оши-
ришга хизмат қилмоқда.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги
«Инжинеринг» компанияси вакил-
ларининг таъкидлашларича, кел-
гуси йилда шаҳар қурилиши, ту-
ризм инфратузилмасини яхшилаш
бўйича ўнлаб янги лойиҳалар
амалга оширилади. Шу йўналиш-
даги тендер танловларида эса
«Жайхун» компанияси ўз тақлиф-
лари билан фаол қатнашиб рақо-
батни кучайтирмоқда. Демак, қури-
лишда сифат ва самарадорлик яна-
да ортади.

Зоҳир ТўРАКУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Партия кўзгуси

Муҳокамада — ёш адолатчилар фаолияти

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тош-
кент вилоят Кенгашининг VI плен-
нуми бўлиб ўтди. Пленумда вило-
ят партия Кенгаши фаолиятига
доир бир қанча масалалар кўриб
чиқилди.

Илгари вилоят партия ташки-
лоти Ёшлар Кенгаши раиси вази-
фасида ишлаб келган Асан Юлда-
шев ўз аризага кўра вазифаси-
дан озод этилди. Қибрай туман
«Ватанпарвар» ташкилотини раиси,
халқ депутатлари туман Кенгаши
депутати Фахриддин Холдоров
вилоят ёш адолатчиларнинг етак-
чиси этиб сайланди. Шунингдек,
ўн беш кишидан иборат Кенгаш
таркиби сайланди.

Пленумда «Мамлакатимизда
амалга оширилаётган иқтисодий
ислохотларда ёшларнинг ўрни»
мавзусида вилоят партия Кенгаши
иккинчи қотиби Маҳмуд Муиди-
нов маъруза қилди.

— Ёшлар Кенгашининг асосий
вазифаларидан бири партия Дас-
тури ва Низомидан келиб чиққан
ҳолда вилоят ёшлари ўртасида кенг
ва самарали тарғибот-ташвиқот
ишларини олиб боришдир, — деди
маърузачи. — Бундан ташқари,
партия оғурсини ошириш, жамия-
тимиз ҳаётида, ёшларимиз онгида
халоллик, адолат каби фазилатлар
доимий ўрин эгаллаши учун ку-
рашмоқ лозим.

Пленумда сўзга чиққан Бўстон-
лик туман партия Кенгаши бирин-
чи қотиби Т.Қазакова, Чирчиқ ва
Янгиёул шаҳар партия Кенгашла-
ри биринчи қотиблари Қ.Ўбайдул-
лин ва А.Қосимовлар фарзандла-
римизни ҳар тарафлама баркамол
этиб тарбиялашда амалга ошири-
лиши лозим бўлган ишлар тўғри-
сида сўз юритишди.

Пленумда қўрилган масалалар
юзасидан тегишли қарор қабул
қилинди.

Б.РАҲМАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, Ҳукумат ва жойлардаги давлат органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва мо-

дернизация қилишда сиёсий партияларнинг таъсири-ни кучайтириш мақсадида киритилмоқда.

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ун иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 11, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3 - 4, 27-модда) қуйидаги тузатишлар киритилсн:

1) 89-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин: «89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг қелишилган ҳолда фаолият юртишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди»;

2) 93-модданинг 15-банди қуйидаги тахрирда

баён этилсин:

«15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли»;

3) 102-модданинг иккинчи қисми қуйида-

ги тахрирда баён этилсин:

«Вилот ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ва лавозимидан озод қилинади».

2-модда. Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг Қ А Р О Р И**«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига****(89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига «Давлат

бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қис-

мига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қонунлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилсин.

3. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократ-

лаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойи-

ҳалари умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э. ХАЛИЛОВ
2006 йил 8 ноябрь.

Мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидagi роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш вазифаси биринчи навбатда сайлов жараёнларида фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида муҳим ўрин тутади.

Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислох этишнинг ҳозирги босқичида ана шу вазифани амалга ошириш давлат ҳуқуқий тизимини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида энг таъсирчан туртки ва муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

Демократик давлат қуриш, фуқаролик институтларини шакллантириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, иқтисодийнинг барқарор ривожланишига эришиш борасида тарихан узок йўлни босиб ўтган ҳоржой мамлакатларнинг бой тажрибаси ва қўлга киритган ютуқлари айнан шундан далолат беради.

Бу вазифани ўз вақтида қўн тартибига қўйиш заруратини, аввало, жамиятимизни босқичма-босқич ислох этиш ва янгилаш бўйича биз танлаган тараққиёт модели талаблари, мустақиллик йилларида сиёсий партиялар томонидан тулганган тажриба тақозо этмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг тобора ўсиб бораётган сиёсий онги ва фаоллиги барчамизни шунга даъват этмоқда.

Халқимиз учун номнақўл бўлган ёки мустабид тизимдан бугун биз барпо этаётган инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати ва эътиқоди энг устувор тамойил ҳисобланган озод жамият сари Ўзбекистон босиб ўтган оғир ва мураккаб йўлни танқидий баҳолаш эканлиги, мамлакатимиз келажикни белгилаб берадиган давлатчилик ва янги жамият пойдевориини шакллантириш бўйича танлаган миллий тараққиёт моделимиз нечоғли турғи эканлиги узи-қесил таъкидлаш учун барча асосларга эгадир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг қўлмада ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Новадлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафоллари тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, Олий Мажлиста, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ жойларда кўптартибавиллик ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган, замонавий талаб ва андозларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, аҳолиимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва маҳаллий вакиллик органлари ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнини тақомиллаштириш ва ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратиш мақсадида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи Ўзбекистон Республикасининг ички палатаси Олий Мажлисига айлантирилди.

Бугун шунини ишонч билан айтиш мумкин, ички палатаси Олий Мажлисининг бир ярим йил давомидagi фаолияти парламент ислохоти ўз вақтида ва пухта ўйлаб амалга оширилганидан далолат бермоқда.

Натижада сўнги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият мамлакат парламентининг, шунингдек, сиёсий партияларнинг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва таъсири анча ортиб сезилмоқда. Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланмоқда, фракциялар қурашлар кучаймоқда ва бу ҳолат сиёсий партиялар нуфузининг ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ошишига иқбодий таъсир кўрсатмоқда.

Сиёсий тажриба орттириш ва сиёсий етукликка эришиш, энг муҳими, молиявий мустақиллик, жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор элиторатига таъиниш - бу, шакс-шубҳасиз, бугунги кунда сиёсий платформаси ва йўналишидан қатъи назар, мамлакатимизда барча партиялар босиб ўтаётган йўлдир.

Айни вақтда демократик ислохотларни қўқулаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий

партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида туган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилиниши, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инобатга олишни тақозо этмоқда.

1. Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга долзарб қилиб қўяётган ана шу талаблардан қелиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг энг муҳим мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаоллиқни янада ошириш. Фақат халқ иродасига, фуқароларнинг ўқазилаётган ислохотлардаги фаол иштирокига, уларнинг қўртимизда амалга оширилаётган тўб ўзгаришларни тушуниши ва қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш мумкин.

Иккинчи. Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадида вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтириш.

Учинчи. Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш.

Бу борада марказда ва жойларда ижро этувчи органларни ташкил қилишда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларидан ўрин олган сиёсий партиялар, шунингдек, депутатлар мустақил гуруҳларининг бевосита иштирок этиши ҳамда шу тариқа ўз дастурий мақсадларини амалга ошириши масаласига муҳим амалий ва ҳаракатлантирувчи омил сифатида жиддий эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчи. Ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидagi партия гуруҳлари олдига ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш.

II. Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларни амалга ошириш учун муҳокама қилинган қонунлар лойиҳаларида қуйидагилар тақдир этилмоқда:

А. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси

1. Сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдига турган вазифаларни ҳал этишдаги ролини сезиларли даражада ошириш мақсадида, шунингдек, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, палата ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳал этиш жараёнида фракциялар ўртасида тобора қучаниб бораётган тортишув ва қурашларни ҳисобга олиб, Қонуннинг 2-моддасида («Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари») турли хил сиёсий мақсадларни қўзлайдиган, сайловлардан сўнг шакллантирилган ҳукуматнинг тутадиган йўли (курси) ва дастурига ўз муносабатини белгилаб оладиган сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий макомини аниқ белгиланмоқда.

Хусусан, бунда қуйидагилар назарда тутилмоқда: «Қонунчилик палатасида қўғчилик ўринини эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги қўғчиликни ташкил этади. Парламентдаги қўғчиликни ўзларининг мақсадида дастурий вазифаларининг ақиллиги ёки ўзаро мослигидан қелиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўғчиландиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳофизат деб эълон қилиши мумкин».

Шунингдек, парламентдаги муҳофизатнинг самарали фаолият юритиши учун қафолатлар тизимини яратиш мақсадида қонун лойиҳасининг 2-моддасида қуйидагилар назарда тутилмоқда: «Ўзини парламентдаги муҳофизат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир.

Қонунчилик палатаси маъсул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқоабил тахририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатаси ялпи мажлисининг баённомасига қиритиш» ва бошқа ҳуқуқлар.

Мазкур моддада парламентдаги муҳофизатнинг қонун билан қафолатланган ҳуқуқларни парламент қўғчилиги томонидан қамситиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Қўйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари ролини мустаҳкамлаш ва айрим депутатлар томонидан турли хил қоньюнкуравий қарорлар қабул қилинишига олиб қелиши мумкин бўлган ҳолатларни истисно этиш мақсадида мазкур моддада сиёсий партия томонидан номзоди кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкинлиги белгиланмоқда. Шу муносабат билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 23-моддасидан мазкур депутат «ҳеч бир фракция ёки депутатлар гуруҳига қирмасликка ҳақли» эканлиги тўғрисидаги нормани чиқариб ташлаш тақдир қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органларида оқчиллини ташкил этидиган муҳофизат шахсларининг ҳуқуқлари, эркинликларини қамситишга ҳеч қим ҳақли эмаслиги ҳақидаги қонунда ўз ичига олган 34-моддаси ривожлантирилган ҳолда, мамлакат парламентидagi қўғчилик ёки муҳофизат сифатида ташкил этилган фракциялар, уларнинг блоклари ҳақидаги тушунчалар миллий қонунчиликка киритилмоқда.

Қонун лойиҳасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва уларга қўшилган мустақил депутатлар фаолиятини баҳолаш принциплари ва мезонлари демократик давлатларнинг умумий таъдиротф этилган тахрирбасидан қелиб чиқди. Яъни демократик давлатларга мамлакат парламентига сайловларда иштирок этаётган ў ёки бу сиёсий партия ўзининг дастурий мақсадларини янгиланган шакллантирган ҳукуматнинг қандай йўлини (курсини) ташлаш, унинг ўз олдига қўйган мўлжалли ва мақсадида вазифаларига ўз муносабатини белгиланган ҳолда белгилайди.

Бу борада айрим ҳоржой мамлакатлар давлат ҳуқуқий, сиёсий тизимида янгитдан сайланган парламентда мулқло қўғчилик ўринини эгаллаган партиянинг ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини қўлга қиритиши ва унинг етакчилиги ёки вақили бош вазир лавозимига даъвогарлик қилишини назарда тутадиган таърибга ҳам мавжуд. Бундай модель демократик ривожланишнинг узок йўлини босиб ўтган ва элиторати етарли даражадаги юксак сиёсий ва ижтимоий тафаккурга эга бўлган давлатлардагина қўғчилайди.

Ана шундай давлатларда бир неча бор ўз ҳукуматини шакллантирган партия парламентдаги қўғчилик ўринини йўқотишига қарамадан, «норасмий ҳукуматини» сақлаб қоларади ва ў зарур бўлган пайтда мамлакат келажик учун масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

Бундай шарт-шароит мавжуд бўлмаган ёки ҳали яратилмаган мамлакатларда бундай модель одатда уруг-аймқочлик, маҳаллийчилик, қорруқчи ва жиний гуруҳларнинг майдонга қиқилишига олиб қелиши мумкин ва бунини шундай жараёнлар юз берган қўғчиликка давлатлар таърибаси ҳам таъдирлайди.

2. Сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлиси қўйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳасининг 3-моддасида қуйидагилар белгиланмоқда: «Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вақили Қонунчилик палатаси. Спикери ўринбосари лавозимларидан бириччи эгаллаган қафоллати ҳуқуққа эга». Бу норма Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосар-

лари ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзолиқни тўқатиб туриши ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига қириши мумкин эмаслиги ҳақидаги амалдаги тартибни («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 15-моддаси) тубдан ўзгартиради.

Тақдир этилаётган қонун лойиҳаси 3-моддасининг қабул қилиниши нафақат Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш, балки палатада қарорлар қабул қилиш жараёнини сезиларли равишда демократлаштириш имкониятини ҳам яратди.

3. Қонунчилик палатасида, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларида ўз вақилиларига эга бўлган сиёсий партияларга, шунингдек, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан сайланган депутатларга марказда ва жойларда ижро органларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир қўрастиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида қонун лойиҳасининг 4-моддасида («Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби») қуйидагилар назарда тутилмоқда:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўқазилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати таъдирлаш учун қиритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг қўғчилик овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини таъдирлаш учун таъдирланган.

Агарки овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатидан Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг қўғчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўғчимча маслаҳатлашувлар ўқазилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимига номзодни яна икки марта тақдир этиш ҳуқуқига эга экани Қонун лойиҳаси 4-моддасининг 3-қисмида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдир этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини ўч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини вазифасини бажарувчинини тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ёки унинг палаталаридан бириччи тарқатиб юборади.

Бу борада Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган ҳолатда, тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўч ой ичида янги сайловлар ўқазилиши белгилаб қўйилган.

Бундай тизим ва амалиёт қўғчилик демократик мамлакатларда, хусусан Германия, Финляндия, Испания, Чехия, Словакия, Греция ва бошқа давлатларда мавжуд.

Амалдаги қонун ҳужжатларида сиёсий партияларга, уларнинг парламентдаги фракцияларига ҳукумат раҳбари лавозимини ўчун номзод белгилаш жараёнига бевосита таъсир қўрастиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 10-бандига мувофиқ мамлакат Президенти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўғчиши ва таъдирлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини тақдир этиш ва лавозимдан озод қилади».

Бош вазир лавозимига номзод борасида сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар билан албатта маслаҳатлашувлар ўқазилиши, уни парламент томонидан таъдирлаш тартибининг жорий этилиши, шунингдек, аниқ тартиб-таъминларнинг ўрнатилиши ва шу му-

носабат билан қарорлар қабул қилиниши Президентнинг вазифаларини аниқ-равшан белгилаб беради ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклайди. Мазкур тартибнинг ўрнатилиши сиёсий партияларнинг ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, давлат қурилиши ҳосасидаги демократик ислохотларни қўқулаштириш борасидаги ролини кучайтириш йўлидаги муҳим кадамдир.

4. Ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳаси 5-моддасининг «г» бандига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббусига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда лавозимдан озод қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги норма қиритилмоқда. Мазкур нормага қўра, агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни парламентнинг етакчи сиёсий партиялар фракциялари қўғчилик қўғчилик ва Президент томонидан овозга қўйилганда Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам депутатлар ва Сенат аъзолари умумий сонининг ўчдан икки қисмидан қўғчилик овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирини лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шу билан бир қаторда қонун лойиҳасига қўра Вазирлар Маҳкамаси раҳбари мамлакат Президенти томонидан қўғчида келтирилган асослар бўйича озод этилиши мумкин.

- Бош вазирнинг истеъфо бериш тўғрисидаги аризага биноан;

- Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмаган қонун тақдирда;

- Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси таркибиди унинг нормал фаолиятига таъдир солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган иштилоқчи оз берганда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига эид булган қарорлар қабул қилган тақдирда.

Амалда

Сиёсий партиялар:

фаоллик ва масъулият ортади



(Давомий. Бош 1-бетга)

Мукоама қилинаётган қонун лойиҳаларининг ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлигини эътироф этган ҳолда, маз-

кур лойиҳа ҳужжатлари мамлакатимизда амалга ошириладиган иш-хотларнинг узвий давоми эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва

янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси, ўз номидан ҳам маълумки, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш мақсадида тайёргалган.

Бугунги кунда адолатли фуқаролик жамиятини уни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи институтлар тасаввур қилиб бўлмайди. Бу институтлар ичида эса сиёсий партиялар етакчи ўрин эгаллайди. Шундай экан, демократик ислохотлар амалга ошириладиган жараёнда бевосита давлат бошқарув ишларида, энг аввало, сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, масъулиятини кучайтириш ижобий натижалар бериши шубҳасиз.

Музокараларга бой тарзда ўтган йилигида фракция аъзолари А.

Аҳадов, З. Ботирова, Х. Маматов, А. Абдуназаров, И. Саифназаров, партия фаоли К. Жўраев қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Йилгили сўнггида иштирокчилар мазкур қонун лойиҳаларини маълумлашган ҳолда уларни халқимиз, жумладан партия электорати орасида кенг тарғиб қилиш, қолаверса, қонун нормалари ҳақида жамоатчилик орасида кенг тушултириш ишлари олиб бориш, сиёсий партиянинг дастурий режаларига зарур ўзгаришлар киритиш ва унинг жамиятда муносиб ўрин тутиши учун партиянинг барча бўғинларидаги ишлар сифатини тубдан яхшилаш лозимлиги ва курсатиб ўтилган масалаларни ҳал этиш учун "Адолат" СДПнинг навбатдаги VI Пленумини чақириб, тўғрисида қарор қабул қилинди.

БЕХБЎД БОТИРОВ,
"Адолат" мухбири

Рақобатда янги имконият

Мамлакатимизда мустақиллик даврида кўппартиявийлик тизимини яратиш ва уни мустақамлаш, партияларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги нуфузи ва таъсирини оширишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, буларнинг барчаси Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланишида ва амалиётда мустақам ўрин эгаллаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари ўртасидаги соғлом кураш ҳамда рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланиб, Қонунчилик палатасига киритилган ва матбуотда эълон қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси давлат бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юри-

тиши ҳамда ҳамкорлигини давлат раҳбари томонидан таъминланиши, ҳукумат ва маҳаллий давлат органларининг зиммасига Конституция билан оқлатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, айни вақтда сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳаётига таъсирини кучайтириш мақсадида киритилган.

Эндиликда марказ ва жойларда давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишда ва ижроия ҳокимиятларини шакллантиришда парламент иштирокини таъминлаш сиёсий партиялар ролини янги поғоналарга кўтарди. Молия, солиқ, банк, боғжона интими соҳасини такомиллаштирилиши, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш, тасдиқлаш ва унинг ижросини таъминлаш жараёнидаги иқтисодий ислохотлари, пул-кредит сиёсати, шунингдек, тулов интими тартибга солиниши депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Шу билан бирга мулкчилик муносабатларида сармояларни жалб этишнинг муқолиб бошқарувини такомиллаштириш ва қимматли қўғозлар бозорини ривожлантириш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳамда хусусий бизнесни, мулк дахлсизлигини таъминлаш имкониятларини янада кучайтиради.



Бундай саъй-ҳаракатлар Президентимиз томонидан илгари сурилган қучли давлатдан қучли фуқаролик жамиятига ўтишда мамлакатни ислохот қилишнинг беш тамойили асосида амалга ошириладиган ишларни нақадар тўғри эканлигини яна бир қарра тасдиқламоқда.

АБДУРАҲИМ АҲАДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
масалалари қўғамаси раиси,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Дахлдорлик ҳисси устивор



Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси нафакат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар-

га олиб келади. Шу ўринда қучли жамият қонун устивор бўлган давлатдаги нафакат қилиниши алоҳида таъкидлаш жоиз. Қонун устиворлиги эса қонунга риоя қилингандагина таъминланади. Бунинг учун эса фуқароларнинг сиёсий онгини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш лозим. Уларнинг жамиятдаги ҳар бир ўзгариш, воқеалик дахлдорлик ҳиссини оширишга ҳисса қўшилиш эса Низоми, Дастуридан қатъи назар, ҳар бир партиянинг устивор вазифасига айланиши даркор.

Шунингдек, лойиҳага қўра партияларнинг ҳукумат таркибини ташкил этишдаги нуфузи ошган. Бу бир томондан партияларга нисбатан ишонч ошганини билдирса, иккинчидан уларни масъулият билан ишлашга ундайди. Масъулият шундан иборатки, ҳукумат таркибини ташкил этишда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги партиялар фракциялари фикри тақдим этилади. Вилот микросидаги раҳбарларни тайинлашда эса вилот партия Кенгашиларига сайланган депутатларнинг нуктаи назари инобатга олинади.

Қурилиб турибдики, Қонунчилик палатасида-

ги фракциялар мавқеи ҳам ортмоқда. Лекин фракциянинг мавқеи ўз-ўзидан олиб қолмайди, бунинг учун қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари сони ортишига эришиш даркор. Бу эса, ўз навбатида, партиялардан сайловларда ҳар бир округда сиёсий етук номзодларни илгари суриши тақозо этади. Ўйлашимча, халқнинг эътиҳини тушуниб етмаган, ишни талаб даражасида юрота олмайдиган аъзоларга эга, соғлом рақобатга дош беролмаган партиялар сиёсий сахнани ўз-ўзидан тарк этади ёки аксинча халқнинг эътиҳи ва талабидан келиб чиқиб ўз Низоми ва дастурини бунёдкор қоялар билан бойитган партиялар қолиб келади. Муҳими, Президентимиз ташаббускорлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари жамиятда инсон ва халқ манфаатларини янада устивор вазифага айлантиришга хизмат қилади.

ЗУХРА БОТИРОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Қонун барчага баробар

Тадбиркорга ҳуқуқий кўмак

беишда доимий назорат таъминланган

Республикамизда тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Туман прокуратураси ҳам бу масалага устувор вазифа сифатида қараб, тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари ҳимоялашни тула таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, соҳага оид қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан доимий прокурор назорати олиб бериляпти.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тадбиркорлик субъектларидан туман прокуратурасига маълум тушган ариза ва шикоятлар пуқта ўрганилиб, тула қаноатлантирилди. Жумладан, "Акмалқурилишсавдо" хусусий фирмаси раҳбари Т.Мирзаёқубовнинг аризаси бўйича ўтказилган текшириш давомида акция-дорлик тижорат "Тадбиркорбанк"нинг Газалкент бўлими бошқарувчиси М.Раҳимов ва мансаб ваколатини суниестемол қилиб, хусусий фирма манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказгани аниқланди. Аниқроғи, банк раҳбари ўз мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда, қонунга хилоф равишда "Акмалқурилишсавдо" хусусий фирмасининг ҳисобидида айланма маблағи 4 миллион 250 минг сўмни банк ҳисоб рақамига олиб қўйган. Айбдорга нисбатан қонуний чора қўрилди, иш бўйича тулланган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича туман судига жўнатилиди.

Туман ҳудудида фаолият олиб бораётган "Жаҳсибай Б.Е." фермер ҳўжалиги раҳбари Ж.Рустемов жорий йилнинг 11 июль кунини туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилган. Аризанда

насли кўй ва отларни кўпайтириш орқали аҳолини гушт ва жун маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш мақсадида АТ «Саноат-қурилишбанк»нинг Газалкент бўлимига кредит беишчи сўраб мурожаат қилганлигини, бирок, банк томонидан талаб қилинган барча ҳужжатларни илова қилганлига қарамайдан, кредит беишлиши кечиктирилётгани қайд этилган эди. Текширувларда аниқландики, ҳақиқатдан ҳам фермер Ж.Рустемов томонидан кредит таъминоти учун гаровга қўйилган қўчмас мол-мулкни баҳолаш ва кадастр ҳужжатларининг ҳаққонийлигини ўрганиш масаласи банк мутасаддилари томонидан ассосиз равишда кечиктирилган.

Туман прокуратурасининг аралашувидан кейин «Жаҳсибай Б.Е.» фермер ҳўжалигига насли чорва молларини кўпайтиришни таъминлаш мақсадида банк томонидан 60 миллион сўм миқдорда мақсадли кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Текширишлар натижасига қўра, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, туман ИИБ ва ДСИ бошлиқлари номига қонунбузрилиш ҳолатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш, қонунбузаришларга йул қўйган маъсул ходимларни интизомий жавобгарлик тортиш масаласини ҳал этишчи сўраб тақдимномасига асосан икки нафар маъсул шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

ШУҲРАТ ЭШОНОВ,
Бўстонлик туман прокурори
вазифасини бажарувчи,
адлия қичиқ маслаҳатчиси

Тақлиф

Мақсад идоравий манфаат эмас

балки давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва қонунийликни таъминлашдир

Ҳозирги кунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлари тўғрисида"ги ва "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонун ва қонун ости норматив ҳужжатлар амалиётда самарали тарзда қўлланилмоқда. Бу борада корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни мустақамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қўмаклашиш вазифаси юклатилган ҳўжалик судларининг фаолияти алоҳида эътиборга молиқдир.

Статистик таҳлиллар тадбиркорлик субъектлари ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг сўраб ҳўжалик судларига мурожаат қилиш ҳоллари йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўрсатади. Масалан, 2005 йилда ҳўжалик судлари томонидан жами 122386 та иш қўрилиб бўлиб, шундан 9899 тасини бевосита қичиқ ва хусусий бизнес субъектлари манфаатларини ҳимоя этишга оид ишлар ташкил этган. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса жами қўриб ҳал қилинган 88674 та ишнинг 10781 таси бевосита соҳага тааллуқлидир. Бу ҳолни, аввало йилдан-йилга тадбиркорларнинг ҳуқуқий онгининг оқсалиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Қолаверса, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, тадбиркор-

лик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланишининг белгиланганлиги ҳам ҳўжалик судларига тадбиркорликка доир ишларнинг бирмунча кўпайишига олиб келди.

Шу ўринда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланишининг афзаллиги, унинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари бўзилишининг олдини олишдаги аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Президент Фармонида қўра, 2005 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд тартибиде амалга оширилишининг жорий этилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтирди.

Таъкидлаш керакки, айтиб ўтилган янгилик суд амалиётида ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалаларни ҳам юзага келтирмоқда. Масалан, Жомбой туман давлат солиқ инспекцияси "Жомбой пилла" масъулияти чекланган жамиятга нисбатан молиявий санкция қўллаш ҳақидаги ариза билан Самарқанд вилоят ҳўжалик судига мурожаат қилган. Ариза иш юришга қабул қилиниб, ишни қўриш 2006 йил 9 мартга тайинланган. Бирок, ариза ишни қўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли раван мурожаат қилган шахсларнинг иштирокини таъминлаш мақсади киз қўришга розилик билдирмаган. Бу эса аризани кўрмасдан

18-ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

Жаҳон узра сарбаланд
ҳилпирайвер байроғим!

Мана, ўн беш йилдики озодлигимиз, буюк давлатчилигимиз рамзи — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи сарбаланд ҳилпираб турибди.

Жаҳондаги ҳар бир мустақил давлат ўзининг рамзий белгиларига эга. Улар сирасига давлат байроғи, герби ва мадҳияси қиради. Зеро, давлат рамзлари юрт тарихи ва келажаги, анъаналари, қадриятлари, қудрати ва эзгу ниятлари тимсолидир.

Давлат байроғи юрт мустақиллигининг, қуч-қудратининг тимсоли саналади. Ақдодларимиз минг йиллар аввал ҳам ўз туғи, байроғи остида жипслашган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлигини ақс эттирган байроқни яратиш гоёси минг йиллар муқаддам туғилган. Уша замонларда байроқлар ҳайвон териси ёки қуш патларидан ислган. Байроқларда турли жонзотлар тасвири ақс эттириш анъанаси ҳам шундан даволат беради.

Соҳибқирон Амир Темур даврида давлат байроғи катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этган. Жангу жадалларда давлат байроғини энг ишончли ҳақдор аскарлар қўриқлашган. Соҳибқирон даврида ҳар бир қўшин ва қўшин турининг махсус байроғи бўлган. Уларга ой, юлдуз, қўёш тасвири, қўшин турларининг белгиси тушурилган. Уша даврда буюк соҳибқирон амир ва лашкарбошлар жасоратини тақдирлаб, уларга махсус байроқ ҳадя этган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Амир Темур Эронга қилган юриши-

да байроғи қора рангда бўлиб, унга қумуш тусли аждаҳо тасвири туширилган экан. Хитойга юриш қилган чоғида эса, аждаҳо тасвири олтин рангда ишланган бўлган. Соҳибқирон авлодлари жумладан, Бобур Мирзонинг байроқлари ҳам ўзига хослиги билан ақсалиб турган байроқлар энли матодан тикилган, дастаси йўғон ва қалта бўлган.

Шўро замонида Ўзбекистоннинг ҳам "байроғи" бор эди. Афсуски, биз ўз байроғимиз билан гурурланиш туйғусидан маҳрум эдик. Биз учун ягона, "муқаддас" деб ҳисобланган, қизил тусдаги, ўртасига ўроқ ва болга шакли муҳрланган байроқ мавжуд эди, ҳоло.

Дунёда ҳақиқат деган, эгилса-да ҳеч қачон синмайдиган қўлтуғ бир мезон бор. Юртимиз ўз озодлигини қўлга киритди ва озод элнинг ҳур байроғи Ватан узра бор бўй-баста

билан ҳилпиради.

Биз, озод мамлакатнинг эгалари байроғимиз сарбаланд бўлгани учун давлатимиз раҳбарининг мардона саъй-ҳаракатларини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз лозим. Зотан, Юртбошимиз ҳали мустақил тузум батамом емирилиб битмаган бир пайтда, 1990 йилнинг март ойида Республика Олий Кенгашининг сессиясида Ўзбекистоннинг давлат рамзлари, шу жумладан, байроғи турғисиди масалани кун тартибига қилинган эди.

Не бахти, истиклол-зиёси ила нурафшон юртининг бу байроғи бугун жаҳон узра мардона ҳилпираб турибди, яна неча асрлар ҳилпираяжак!

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи
"Маънавият ва маърифат" бўлимининг масъул ходими

Парламент сабоғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколат муддати қанча?

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати беш йил. Ваколат муддати туғатган, Қонунчилик палатаси янги чақирик Қонунчилик палатаси иш бошлашга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

2. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси неча депутатдан иборат?

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ туланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланишлари мумкин эмас.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига нима малам қилади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

1) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимида бинаоан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги турли масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш қиради.

4. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси қандай тартибда ўтказилади ва унда қандай масалалар қўриб чиқилади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчи-

лик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ўтказилади. Мазкур мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очди ва Қонунчилик палатаси Спикери сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Қонунчилик палатаси биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун мажлисининг муваққат қотибияти ва саноқ комиссияси сайланади.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилади, шу жумладан, қандай тартибда:

электрон тизимдан фойдаланиш устидан муваққат назорат гуруҳи сайланади;

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланади; сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари рўйхатга олинади;

Қонунчилик палатасининг қўмиталари тузилади.

Қарор ва ижро

Мажбурият унутилса...

Президентимизнинг "Дори-дармон воситалари ва табибий мақсаддаги буюмларни ишлаб чиқаришдан мамлакатимиз корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, дори-дармон ва табибий жиҳозлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга солиқлар ва боғжона тўловларидан қатор имтиёзлар назарда тутилган. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги "Табибий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги қарори ижросини назорат қилиш ҳам диққат-эътиборимиздаги бош масала. Вилот Давлат солиқ бошқармаси ҳамда шаҳар ва туман ДСИлари томонидан дори-дармон маҳсулотлари савдоси билан шугулланаётган шахсларнинг ҳолатига йул қўювчи ишлар ҳам ўрмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида дори-дармон маҳсулотларининг қанча савдоси билан шугулланувчи 25 та ҳўжалик юритувчи субъектда қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Натижада 7 та ҳолатда нақд савдо пуллари ўз вақтида банкка топширилмагани, 15 та ҳолатда НКМдан фойдаланилмадан савдо хизмати кўрсатилгани, 4 та ҳолатда эса ҳар хил дори-дармон воситалари қирим ҳўжатларисиз сотувга чиқарилгани аниқланди. Хусусан, Янгларик туманидаги "Табиб" хусусий дорихонаси мудираси Санобар Ше-

рова харидорга 2600 сўмлик дори сотиб, чек беишлини эсидан чиқарди. Олиб бориладан текшириш чоғида шу нарсга аён бўлдики, қарийб 4 миллион 990 минг 877 сўм савдодан тушган пуллар ўз вақтида банкка топширилмасдан бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилган. Устига-устак, 1 миллион 50 минг сўмлик дори-дармон маҳсулотларига баҳо ёриқлари ёпиштирилмаган. Мазкур ҳолат юзасидан ҳўжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилди. Ишда жиноят аломатлари борлиги боис дорихона мудираси СШеровига нисбатан тегишли тартибда жаҳо қўллаш учун тулланган ҳўжатлар солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий дорихона маҳсулотларини ўтказиб қилиш қилиш департаментининг Янгларик туман бўлимига юборилди.

Вилот ҳудудида ноқонуний равишда дори-дармон маҳсулотлари савдоси билан шугулланаётган шахсларни аниқлаш борасида ҳам назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган тадбирлар давомида 32 та ҳолатда 330 турдаги жами 3 миллион 617 минг 300 сўмлик дори-дармон маҳсулотларини ноқонуний равишда муомалага қиритилганлиги ҳолатлари аниқланди. Ноқонуний моллар диллиги ашё сифатида олиб қўйилди.

Мозий бисотидан

Тошкент дарвозалари

Тошкент Марказий Осиёнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган сиёсий, иқтисодий маданий ва маърифий марказларидан бири бўлган. У асрлар давомида босқинчилик ҳужумлари, қўғолонлар натижасида бир неча бор вайрон бўлган ва яна қайта тикланган. Шаҳар муҳим географик ўринда — савдо-сотиқ йўлида жойлашганлиги сабабли бу ерга ҳар йили юзлаб, минглаб савдо карвонлари келиб турган. Бу эса Тошкентни етти иқлим туташган савдо масканига айлантирган.

Ана шундай бир пайтда шаҳар худудини кенгайтириш, ободончилик ишларини амалга ошириш, аҳолини ташқи хавф-хатардан ҳимоя қилиш ун-шар мудофасига катта эътибор берилган. Шу мақсадда Тошкент атрофи баланд ва қалин истеҳком деворлари билан ўралган. XIX асрнинг 70-80 йилларида шаҳар деворининг умумий айланаси 14 километрга етган. Деворнинг орасида чуқур хандақ қазилган. Хуллас, Тошкент ўша вақтда чинакам қалъа-шаҳарга айланган.

Қадимдан Марказий Осиёдаги қалъа-шаҳарларнинг катта йўлларга туташ жойларида дарвозалар бўлган. Улар замона заилига қараб қурилган, ўзгартирилган. Тошкентда ҳам дарвозалар шаҳарга кириш-чиқиш ҳамда душман ҳужу-

мидан мудофаа қилиш мақсадида қалъа деворининг муайян жойларида бунёд этилган. Масалан, X асрда шаҳар кенгайиши билан карвон йўллари ўтаётган жойларга дарвозалар қурила бошланган. Шаҳар худуди кенгайган сари деворлари сурилиб, дарвозалар сони ҳам ортиб борган. Шаҳар X, XV, XVI асрларда ўз худудини кенгайтира борган. Демак, дарвозалар сони вақт ўтиши билан ўзгариб турган.

Тошкентлик Нурмухаммад мулла Алимовнинг ёзишича, шаҳар марказида мустаҳкам тош девор билан ўралган қўрғон бўлган. Қўрғонга олпига дарвозадан кирилган. 1739 ва 1813 йилларда Тошкентда бўлган Миллер ва Филипп Назаров тегишлича шаҳарнинг 8 ҳамда 12 та дарвозаси борлигини ёзиб қолдиришган. Миллер Тошкент дарвозаларининг номи ва улар шаҳарнинг қайси томонига жойлашганлигини кўрсатиб ўтган. Шаҳар дарвозалари сони ҳар доим ҳам 12 та бўлмаган. Вақти-вақти билан у ёки бу дарвоза зарур эмас, деб топилганда шаҳар ҳокимининг фармойиши билан вақтинча берки-тиб ташланган. Шу сабабдан бўлса керак, шаҳар дарвозаларининг сони турли даврларда ёзилган манбаларда турлича кўрсатилган.

Тарихчи Муҳаммад Солиххўжа домла Раҳим Қорэхўжа ўғлининг "Та-

рихи ҳадидаи Тошканд" ("Тошкентнинг янги тарихи") асарида шаҳарнинг 12 та дарвозаси борлиги, бу дарвозалар XIV аср охири ва XV аср бошларида ҳам мавжудлиги айтилган. Шундай қилиб, XIX асрнинг урталарида ҳам Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлиб, улар Лабақ, Тахтапўл, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Қўчка, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар деб номланган. Бу дарвозалар йўналишга қараб мавзелар номига қўйилган. Масалан, Самарқанд йўналишидаги дарвоза Самарқанд дарвоза деб аталган.

Шаҳар дарвозаси ҳар куни қоронғи тушиши билан ёпилган, тонг саҳарда очилган. Ёпиқ дарвозани очишга ҳеч кимнинг ҳақи бўлмаган, фақатгина фавқулодда ҳолатларда, ўшанда ҳам ҳокимнинг махсус фармойиши билан очишга рухсат этилган. Дарвозалар устида махсус қоровулчалар, йўлакларда эса қатор ҳужралар, емакхона ва ётоқхоналар қурилган. Дарвозалар улкан ва қаттиқ арча ёғочларидан ясалиб, устига металл қопланган. Ҳар бир дарвоза ёнида шаҳарга кирувчиларни қайд қилиб турувчи закоти бўлиб, закот олиб турган.

Тошкент чоризм қўшинлари томонидан истило қилинган, янги шаҳар қуриш баҳонасида унинг қадимий деворлари ва дарвозалари "ке-

раксиз" деб бузиб ташланган. Бузилган девор тупроғидан янги шаҳар қисмини қуришда ишлатилган. Тошкентнинг ўтмиш тарихини, жумладан девор ва дарвозаларини ўрганган ўлкашунос А.Добросмислов "Эски Тошкентнинг девор ва дарвозаларининг кўп қисми қулаб бўлган, қолганлари ҳам бузилиб томон бўлмоқда" деб ёзган эди XX асрнинг бошида унинг "Тошкент ўтмишида ва ҳозирда" номли китобида. Шундай қилиб, XIX асрнинг 90 йилларида келиб, шаҳарнинг узоқ аждоқларимиздан мерос бўлган асрдан асрга ўтиб келаётган девор ва дарвозалари вайрон қилинган.

Дарвозалар қалитсиз бўлмаган, албатта. Ҳар бир дарвозанинг ўз номи ва ясалган йили ёзилган қалит, бир жуфт темир халқаси бўлган. 1865 йилнинг июнида чоризм қўшинлари томонидан Тошкент истило қилингандан кейин, подшо ҳукуматиға тобелик рами сифатида 12 та рамиёй олтин қалит шошилини ясалиб, подшо маъмурига топширилган ва Петербургда олиб кетилган. Бу олтин қалитлар ҳақиқий темир қалитлардан анча кичик бўлган. 1933 йилнинг 14 июнида бу қалитлар қимматли ёдгорлик сифатида Ўзбекистонга қайтарилди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Орамиздаги одамлар

Ўзганнынг зумрадлари

«Зумрад ва Қиммат» эртани илк бор отамдан эшитгандим. Отам адабиёт фани муаллими эди, эртани қиёмига етказиб айтди. Зумраднинг қимматлари, Қиммат характеридаги танқитлик, галамислик чиройли, таъсирчан лутфлардан сўнг миямга қаттиқ ўрнашиб қолган. Мен ўша пайтдаёқ кишлоғимиз қизлари орасидан Зумрад ва Қимматга ўхшаганларни ахтарганман. Болалик тасаввурим билан қизи бор ҳовлиларга бир-бир кириб чиққанман.

Ушанда Роҳила, Мастура, Гавхар, Латофат, Зухра ва Ўғиллоя опалар бўлиб қизлар эди. Соҳлари узун-узун, қўзлари чакқоқ эди уларнинг. Эгиларидаги қўйлақлари чиддан бўлса-да, қалблари бахмал эди. Бари Зумрадга ўхшарди. Бир-бирлари билан тортишиб қоллиша гина сакламас, аразлари Қимматникига ўхшамасди. Арзимас гап-сўзлар эса дарҳол бригадир Рамазон ақанинг қулониға етарди.

— Ҳа, тезроқ тўйларингни ей, сениларнинг. «Зумрад ва Қиммат» генерал қалиблар-ку, — дея дарҳол орани «очди» қилиб қўйди, шундан сўнг «араз»чиларнинг дугонaxonлиги аввалгидан ҳам ўн чандон ортиб кетарди.

Бир кунда икки гектар гўзани ягона қилиб чиқарди уларнинг ҳар бири. Пахта терими пайти 220-250 килограммдан кам терилса, уйга қайтишни ҳаёлларига ҳам келтиришмасди. Ҳаммаси меҳнатда, одобда, чиройда Зумрад эди.

Вақти келиб барчасига шу қишлоқдан совчи чикди, бариға шу қишлоқлик йигитлар эғалик қилишди. Ўзганны зумрад қизлари зумрад келинларга айланишди. Отга мингаштириб олиб кетди қайлиқлари. Қайнона, қайноталар ясалган уйни ўғилнинг эмас, келиннинг уйи, деб атайдиган бўлишди. Келинлар шундай эъзозга лойиқ чиқишди.

Келинчақлардан, айниқса Мастура опа билан Роҳила опага ҳамма ўзгача ҳавас билан қарарди. Ўн бармоғи ўн ҳунар эди уларнинг. Тақдир икки меҳрли дугонани икки қўшни йигитга насиб этди. Сайфулла ака билан Иброҳимжон акалар ҳам чин дўст эди. Бари дурадгор уста, бири суювчи — қўли гул йигитлар. Орадан йил ўтиб иккала оила ҳам фарзанд кўрди. Иккаласи ҳам ўғил! Бирига Сайдуллоҳжон, бирига Султонжон, деб исми қўйди. Рўзгор-

Дилмурод ЖАББОРОВ

Сўраган эдингиз

Паспорт қачон алмаштирилади?

Яқинда паспортининг амал қилиш муддати тугаши туфайли уни алмаштиришим керак. Паспорт яна қандай ҳолларда алмаштирилади?
З.Нажимова, Самарқанд вилояти



1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 16-бандига мувофиқ, паспорт амал қилиш муддати тугагандан бошқа қуйидаги ҳолларда ҳам алмаштирилади:
— фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда;
— миллатини, тутилган йилини ўзгартирганда;
— ёзувлардаги чалқашлик аниқланганда;
— виза ва алоҳида белгилар учун мўлжалланган арақалар тугалганда;
— фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда.

Паспортни алмаштириш учун эса қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;
— тутилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспортни биринчи марта олиш чоғида);
— илгари олинган паспорт;
— 35x45 миллиметр қаттиқликдаги ўқини фотосурат.

Шунингдек, фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш, миллатини, тутилган йилини ўзгартириш ёки ёзувдаги чалқашликка аниқлик киритиш мақсадида паспортни алмаштириш учун ўша ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

С.НИЗОВА,
юримдик фаилари номзоди

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгазининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

Таҳрир хайъати

Дилором
ТОШМУХАМЕДОВА,
Икбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамжон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТООРОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —
133-40-86
136-53-14

Факс —
133-40-86

Котибият —
136-55-96

Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими —
136-55-64

Хатлар бўлими —
136-55-64

Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими —
136-54-39

Иқтисодиёт ва саноат
бўлими —
136-54-39

Маркетинг ва реклама
бўлими —
136-55-96

Навбатчи
муҳаррир —
Давур Жозилов

Навбатчи —
Носир Хайдаров

Саҳифаловчи —
Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан кўчириб
босиб фақат таҳририят
руҳсати билан амалга
оширилади.

t — Мазкур белги остида
тижорат мақолалари
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида
чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 1200
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет усулида
босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 1520

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума
кунлари чиқади

Босишга топшириш вақти
— 2000
Босишга топширилди
— 22.21

Фермерга фойдали кўргазма

Кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устивор йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар билан агросектор учун техника ва механизмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган пойтахтимизда иккита халқаро иттиҳослашган «UzAgroExpo-2006» — кишлоқ ҳўжалиги ҳамда «UzProdTechExpo-2006» — озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати учун ускуналар кўргазмалари бўлиб ўтди.

Унда жаҳоннинг 10 дан зиёд давлатларидан қирққа яқин компаниялар иштирок этди. Кўргазмаларни ўтказишдан асо-



сий мақсад — галлачилик, богдорчилик, паррандачилик, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш соҳаси технологиялари, техника ва механизмларни намойиш қилишдан иборат.

Мазкур тадбир иштирокчилари кўргазма орқали илгор технологиялар, энг янги илмий-техника ишланмалари билан танишиш имкониятига эга бўлишлар ва кўпгина манfaatли битимлар имзоланди.

Носир ХАЙДАРОВ олтат сўзлар

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Олов билан ўйнашиб...



Куз. Тилла ранг япроқлар қўзни қувнатади. Аста-секин эсаётган шаббода эса япроқларни ўзига, ерга қапалакдек улоқтиради. Гиламдек тўшалар барлар устида сайр қилиш ёқимли ҳис баҳшида этади, кишига.

Аммо, баъзи-баъзида ана шу гўзалликка доғ туширадиган ҳолатларни кўриб эдингиз жунжикади. Эрта тонгда айрим фаррошларимиз шахримизнинг кўча ва боғларида ҳазонларни сўпури, тўплаб улардан осонгина қутулиш учун ўт ёқиб юборади. Оқибатда қузнинг ёқимли хавоси ўрнига ҳаммаёқни аччиқ ва қўланса хид қамраб олиб, қўзни ачиштириди. Бундан ташқари, ёнаётган ҳазонлар туфайли аҳоли турар жой биноларига ҳам ўт кетиш хавфи тугилади.

Туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари худудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар, мактаблар, боғчалар, касалхоналар, аҳоли турар жойларини назорат текширувидан ўтказмоқда. Бунда асосий эътибор тарғибот-ташвиқот ишларига қаратилмоқда.

Текширувларда аҳоли газ ускуналаридан хоналарни иситиш мақсадида (газ плита, дўховкалари, ёқиб) фойдаланаётганлиги маълум бўлди. Қўнчилик буни иситиш тармоқларининг ишламаслиги, шу сабабли газ плиталарини ёқиб уларни иситишга тўғри келмаётгани билан изоҳланди. Бирок, бундай ҳолатлар ёнғин келтириб чиқармаслигига қаролат бермайди.

Мўамилалардан яна бири, бу ҳазон ва қуриган шох-шаббаларни ёқиб юборишдир. Шунинг оқибатида ўтган сентябрь ва октябрь ой-

ларида туман худудига 11 та ёнғин содир бўлган. Умуман, жорий йилнинг ўн ойи давомида 148 та ҳолатда ёнғин келиб чиққан. Ушбу ёнғинлар натижасида беш нафар фуқаро ҳалок бўлган, тўрт киши қишиш натижасида тан жароҳати олган, катта миқдорда моддий зарар етказилган. Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларига содир бўлаётганлиги ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари ва фуқароларни яна бир бор ҳушёрликка ундайди. Тахлиллар эса дахлдор идоралар — газ таъминоти, электр тармоқлари, ёнғинга қарши курашиш жамияти ҳодимларининг ҳамкорлигидеги фаолиятига зарурат тугидирди. Чўнки уларнинг самарали ҳамкорлиги ёнғинларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутайди.

М.ҚҶҚОРОВ,
Ҳамза туман ИИБ ЕХБ
катта инспектори, капитан

Шифокор маслаҳати

Гипертония қандай касаллик

унинг олдини олиш мумкинми?

Гипертония касаллиги қон томир деворлари таранглигининг ортishi ва қон босимининг кўтарилиши билан намоён бўлади. Бу касалликка қалинган беморлар асосан бош оғриғи, бош айланиши, чарчаш, қўлоқ шангиллаши, бурундан қон кетиши, меҳнат қобилиятининг пасайиши, уйқунинг бузилиши ва юрак соҳасидаги оғриқлардан шикоят қиладилар.

Ушбу касалликка қўпчан руҳий жароҳатлар, қўли асабий ҳолатларни бошдан ўтказиш ёки асаб тизимининг ҳаддан ташқари зўриқиши, қўли ҳаяжонланган қабилар сабаб бўлади. Касаллик бош миёдаги гипотетомик соҳанинг, гипотиз безининг, буйрак усти безлари ва буйрак функциясининг бузилишдан ҳам келиб чиқади.

Қилмиш-қидирмиш

«Ориятли» қотил

ёҳуд бирйўла уч аёлниг жонига қасд қилингани ҳақида

Бир донишманд: "Инсон бир мартабга халогат йўл қўйса, уни кеңирас бўлади, лекин иккинчи марта шу халогатни тасқорласа, бу инсонни умуман кеңириб бўлмайди", деган ханас. Бекобод шаҳрида истикомат қилувчи Мурод Ўтаганов бир мартабга ўйламай бошган қадимидан сўнг тегишли хулоса чиқармади. У бундан ўч йил олдин, яъни 2003 йилда, айни 17 яшарлигида ўз онасига қўл қўтариб, тан жароҳати етказгани учун Бекобод шаҳар суди томонидан 1 йил ақлоқ тузатиш жазосига маҳкум этилган эди. Бирок, минг афсуски, Мурод бу қилмишдан хулоса чиқариш ўрнига тағин жиноятга қўл урди.

Амнистия туфайли уйига қайтган Мурод онаси Саодат опа ва онаси Севара билан қилиша олмади. Оқибатда онаси қизини олиб, уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Уйда бир ўзи қолган "ҳаҳрамон" имиз қўнларнинг бирини, 2006 йил 26 февраль кўни кечқурун 23.00 ларда таниш аёл — Буважар Анорқулованикига борди ва уй эгасининг сингилиси Мухтарамни уйига олиб кетди. Уйга келган, икковлон аввалгига спиртли ичимлик ичишди, кейин... Ҳаммаси Мухтарам уйига кетиш ниятини айтгандан сўнг бош-

ланди. Муродбек қизни бугун шу ерда қолганини айтди. Қиз эса уйига қайтишга Муродбек қаршилик қўрмасди, милицияга хабар беришини билдирди. Шундан сўнг, милицияга тушишдан қўрққан, кейин ўзи айтишича, "ор қилган" Мурод аввал қизни тепиб йўл қилди, сўнг бўйнидан бугиб, 7 килограммлик тангел билан кетма-кет зарба берди. Жиноят элани йўқотиш мақсадида жасадни ваннахонага олиб кириб, пичоқ, арра ва болга ёрдамида мурданинг бошини, икки оёғи ва қўлини танасидан кесиб ажратиб олди. Кесилган бўлакларни эса полиэтилен қолға солиб, уйнинг оқсасидаги дағига олиб бориб ташлади.

Мурод эди Буважарни гувоҳ сифатида гумдон қилишни ўйлаб қўйди. Шу мақсадда эртаси кўни эрталаб уникига маст ҳолда бориб, эшикни очган заҳоти Буважарнинг бошига қопчи билан уриб ўлдирди. Шу пайт вақтида қизнинг қўли уй эгасининг дугонаси Динозани ҳам ваҳшийларча ўлдирди.

Уч инсоннинг ҳаётига зомин бўлган Мурод Ўтаганов бўлиб ўтган воқеанинг эртаси кўнлик қамқоққа олинди. Бекобод шаҳар суди томонидан у Жиноят Кодексининг 97-

моддаси 2-қисми тегишли бандлари билан айбдор деб топилди. Унга нисбатан олий жазо — ўлим жазоси тайинланди.

Шу ўринда саволлар тугилади: наҳотки, эндиғина 20 ёшли қаршилаган инсоннинг ички оямаи шунчалар манфур ва қабиҳияга тула бўлса? Нега Мурод ҳам ақсарият тенгшодлари сингари олий ўқув юртида таҳсил олмайди, тайинли бирор бир ишининг эгалини тутмайди? Тўғри, бева бўлиб қолган ва фарзанд тарбияси билан ёлғиз шугулланган Саодат опа учун мушкул бўлган бўлиши мумкин, лекин уйдан бош олиб қилиб кетиш йўли билан умуман қил қилиб бўлмаслигини, наҳотки, оназор ўйлаб кўрмаган бўлса? Қолаверса, қўли-қўшинлар, маҳалла фаоллари Муроднинг ҳаётига, турши-турмушига нега бефарқ қаради? Акс ҳолда, ёш йигит бундай мушкул жиноятларга қўл урмаган, бир қанча оиналар бошига қулфат тушмаган бўлармиди.

Зиёдулла ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти прокуратураси
жиноятларни тергов қилиш
бўлими алоҳида муҳим ишлар
бўйича терговчиси